

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2021 йил 23 апрель

Марҳамат тумани

Жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман суди, раислик қилувчи – туман судининг раиси А.Исаков, Ф.Абдурахимовнинг котиблигида, давлат айбловчиси Марҳамат туман прокурори ёрдамчиси С.Хамраев, ҳимоячилар О.Абдурахмонов, Д.Нурматоваларнинг иштирокида,

Келдибоев Сардорбек Авазбек ўғли (Keldiboyev Sardorbek Avazbek o'g'li), 1995 йил 6 декабрда Марҳамат туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта – махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, ишламайди, муқаддам судланмаган, Марҳамат тумани, Қовунчи МФЙ, Чорвоқ кўчаси, 66-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида гаров қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 28,211-моддасининг 1-қисмида;

Аширалиев Аслиддин Анваржон ўғли (Ashiraliyev Asliddin Anvarjon o'g'li), 1998 йил 1 январда Марҳамат туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта – махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, ишламайди, муқаддам судланмаган, Марҳамат тумани, Рохат МФЙ, Дўстлик кўчаси, 85-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида гаров қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисми “б” банди, 28,211-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланганга оид 1-1710-2101/69-сонли жиноят ишини жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман судининг суд мажлислари залида кўриб чиқди.

Суд судланувчилар ва гувоҳларни кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга холисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи лар С.Келдибоев ва А.Аширалиев олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Б.Мамасолиевни 24 сотихдан иборат бўлган Марҳамат тумани Бўрибоши МФЙ Дархон кўнгили кўчасидаги яшаш хонадонини ўзи ва акаларига тенг тақсимлашиб, уларнинг номларига кадастр ҳужжатларини тайёрлашга ҳаракат қилиб юрганидан хабар топишиб, ўзини Марҳамат тумани Давлат солиқ инспекцияси ходими сифатида таништириб, унга Андижон вилоят “Ер тузиш ва кўчмас мулк” кадастри Марҳамат тумани филиали мансабдор шахслари орқали ҳал қилиб беришга ишонтириб, бунинг эвазига 6.000.000 сўм талаб қилиб, унинг ишлари ижобий ҳал бўлишига қизиқтириб, уни пора беришга далолат қилиб, 2021 йил 15 январь 6.000.000 сўм пулларни олганида ушланишиб, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фирибгарлик жиноятини охирига етказмастан, суиқасд қилганлар.

Судланувчи С.Келдибоев судда айбига қисман иқrorлик билдириб, 2020 йил декабрь ойининг охирида Матлуба исми таниши кўнғироқ қилиб, илгари кадастр бўлимида ишлаганини билгани учун Бунёд исми танишини яшаш хонадонини кадастр ҳужжатларини тайёрлашда ёрдам сўраганини, орадан 3 – 4 кун ўтгач Марҳамат тумани марказидаги савдо дўконида Матлуба ва таниши Б.Мамасолиев билан гаплашганида, яшаш хонадонини уч хўжалик яшашларини, ушбу уй жойини учга бўлиб, кадастр ҳужжатларини қилишга ҳаракат қилиб, бир шахсга мурожаат қилганини, у хизматларини қиммат айтганини, шунга ёрдам беришни сўраганида, унга нарх навосини билиб беришни билдириб, таниши Марҳамат тумани кадастр бўлимида ишловчи Аслидин билан гаплашиб, хабар беришини билдириб, у телефонда гаплашиб, Б.Мамасолиевни 24 сотихдан иборат бўлган Марҳамат тумани Бўрибоши МФЙ Дархон кўчасидаги яшаш хонадонини ўзига ва акалари Ш.Мамасолиев, Б.Мамасолиевларга тенг тақсимлашиб уларнинг номларига тумани ҳокимининг қарорини чиқартириб, кадастр ҳужжатларини тайёрлаб беришда ёрдам сўраганида, у унга Б.Мамасолиевнинг яшаш хонадонини тенг тақсимлашиб Марҳамат тумани ҳокимлиги ҳамда Андижон вилоят “Ер тузиш ва кўчмас мулк” кадастри Марҳамат тумани филиалида орқали унинг уларнинг номларига тумани ҳокимини “Уй – жойга эгаллик қилиш ҳуқуқи тўғрисида”ги қарори ҳамда кадастр ҳужжатларини тайёрлаб бериш эвазига 5.500.000 сўм беришини айтганини, шундан сўнг у Б.Мамасолиев билан гаплашиб, Аслидин 1.500.000 сўм қарор учун, 500.000 сўм ер солиғи учун ҳамда бошқа харажатлар учун 4.000.000 сўм жами хизмати 6.000.000 сўм бўлишини, пулларни берганидан сўнг кадастр ҳужжатларни ўзи қилдириб беришини айтганини, орадан 3 – 4 кун ўтгач Б.Мамасолиев телефон қилиб 6.000.000 сўм пулларни тайёрлаб қўйганини, турмуш ўртоғи бетоб бўлгани учун Тошкент шаҳрига кетишини, пулларни олиб олишни айтганидан кейин у билан

туман марказидаги Марҳамат – Тошкент автотураргоҳида кўришиб, Б.Мамасолиев унга 6.000.000 сўм пулларни бериб санаб олишини айтганида, у ўзи санаб беришини айтганидан кейин автомашина ҳайдовчиси билан ўзлари санашганини, сўнг пулларни олганида фуқаролик кийимида 3 – 4 нафар фуқаролар келишиб ўзларини хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, Департамент ходимлари эканини маълум қилишиб, бўлган ҳолатни сўрашганида, бўлган ҳолатни айтиб бериб, ўз ихтиёри билан пулларни тақдим қилганини, сўнг олган 6.000.000 сўмдан 500.000 сўмини Б.Мамасолиевни яшаш хонадонининг солиқдан бўлган қарздорлигига тўлаш мақсадида олиб қолиб, қолган 5.500.000 сўмини Аслидинга олиб бориб бериши кераклигини маълум қилиб, мазкур шахсга қонуний чора кўриб беришни сўраб, ариза билан мурожаат қилганидан кейин унинг аризаси бўйича тезкор тадбир давом эттирилиб, А.Аширалиев, уни алдаб унга ўзини “Ер тузиш ва кўчмас мулк” кадастри филиалининг мутахассиси эканини айтиб, Марҳамат туман ҳокимилигида ҳамда туман кадастрида танишлари борлигини айтиб, Б.Мамасолиевнинг яшаш хонадонини кадастр ҳужжатларини тайёрлаб бериш эвазига 5.500.000 сўм талаб қилганини, талаб қилинган пулларни Марҳамат туман Мустақиллик МФЙ ҳудудида жойлашган “CHIGO” номли савдо мажмуасининг ёнида ўзининг бошқарувида бўлган “MINI TRUCK” русумли давлат белгиси 60 М 564 НА юк машинасида ундан олган вақтда кимёвий ишлов берилган ашёвий далиллар билан ушланганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, енгиллик беришни сўрашини кўрсатди.

Судланувчи А.Аширалиев судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2019 йил мартдан 2020 йил февралга қадар Марҳамат тумани ер тузиш ва кучмас мулк кадастрида мутахассис лавозимида ишлаганини, С.Келдибоев билан 2018 йил август ойида Марҳамат туман ер тузиш ва кучмас мулк давлат кадастрида танишганини, 2019 йил март ойида С.Келдибоев ишдан бушаётгани учун унинг иш юритувида бўлган 17 та фуқароларнинг кадастр ҳужжатларини тайёрлашга улгурмаганини, ушбу фуқаролардан жами 30.000.000 сўм олганини, шуларни ҳужжатларини тайёрлаб беришни, ҳозирда олдида 500 АҚШ доллари борлигини, қолган ҳаражатларни кейинчалик қилиб беришини айтиб, унга пулни бериб кетганини, 17 нафар фуқароларни кадастр ҳужжатларини қилишга сарфланган пулларни ҳар бирини ҳисоблаб чиқиб жами 17.400.000 сўм бўлганини, 3.000.000 сўм ойлик ҳисобини чиқариб, 14.400.000 сўм қолгани, 500 АҚШ долларини берганини чиқариб, ўртача 800 АҚШ доллари олди – бердиси қолганини айтганида, С.Келдибоев пулларни Россияга бориб ишлаб топиб жўнатиб юборишлигини айтганини, орадан 1 йил вақт ўтишига қарамасдан С.Келдибоев пулларни бермаганини, 2021 йил 15 январь куни соат 15 ларда С.Келдибоев телефон қилиб, учрашишни таклиф қилганида, у билан кўришиб, бошқарувидаги Лабо автомашинасида гаплашиб, у

кадастрда ишлаётган ёки ишламаётгани ҳақида сўраганида, ундан нима қилиб бўлса ҳам қарзини олиб олиш мақсадида кадастрда ишлаётганини айтганини, сўнг бир иш борлигини айтиб, солиқ тўлови учун 500.000 сўм олиб қолганини, қолган 5.500.000 сўм пулни кўрсатиб, кадастр қилиб беришни сўраганида, рози бўлиб, олганидан кейин департамент ходимлари ушлашганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, енгиллик беришни сўрашини кўрсатди.

Гувоҳ Б.Мамасолиев судда, 2021 йил январ ойи бошида яшаш хонадони Марҳамат тумани Бирлик МФЙ Дархон кўчаси 89-уйнинг кадастр ҳужжати мавжуд эмаслиги сабабли кадастр ҳужжати қилиш мақсадида, ўзини Марҳамат туман давлат солиқ инспекциясида ишлашини айтиб таништирган С.Келдибоев билан гаплашиб, у илгари Марҳамат туман кадастр бўлимида ишлаганини айтганида, унга яшаш хонадонини кадастр ҳужжати йўқлигини, кадастр ҳужжати қилиши кераклигини айтганида, С.Келдибоев унга ёрдам беришини, кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун барча ҳужжатлаштириш ишларини танишлари орқали ўзи тайёрлаб беришини айтганини, шундан сўнг, орадан 3 – 4 кун ўтгач С.Келдибоев билан кўришиб яшаш хонадонига кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун қандай ҳужжатлар кетиши ва қанча тўлови борлиги ҳақида сўраганида, ҳужжатлаштириш ишлари учун уни ва икки нафар акаларини паспорт нусхаларини бериши кераклигини, ҳисоб китоб қилиб кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун 4.500.000 сўм ҳамда қарор чиқартириш учун 1.500.000 сўм чиқими борлигини маълум қилиб, жами бўлиб паспорт нусхалари билан бирга 6.000.000 сўм пул маблағлари бериши кераклигини, ушбу 6.000.000 сўм пул маблағларини берганидан сўнг ҳужжатлаштириш ишларини бошлашлигини маълум қилганини, шундан кейин бошқа ишлари билан туман ДСИга бориб, у ерда С.Келдибоев ишламаслигини билиб, унинг ҳаракатлари ноқонуний экани сабабли 2021 йил 14 январ куни ДХХ Марҳамат туман бўлимига ариза билан мурожаат қилганидан кейин унинг аризаси бўйича тезкор тадбир белгиланиб, департамент ходимлари томонидан холислар иштирокида унга 6.000.000 сўм пуллар тақдим қилиниб, С.Келдибоев билан учрашишни белгилашиб, туман марказидаги Марҳамат – Тошкент автотураргоҳи олдида кўришиб, унга 6.000.000 сўм пулларни берганидан кейин тадбир иштирокчилари томонидан ушланиб, сўнг С.Келдибоевнинг ташаббуси билан тезкор тадбир давом эттирилиб, С.Келдибоев кейинчалик таниган А.Аширалиевга у берган пуллардан бир қисмини берганида ушланишганини кўрсатди.

Гувоҳ А.Давлатов судда, 2021 йил 15 январь куни Департаментнинг ходимларининг таклифи билан яна бир шериги билан холис сифатида қатнашиб, Б.Мамасолиевнинг аризаси асосида кейинчалик таниган С.Келдибоевга нисбатан тезкор тадбири белгиланиб, уларнинг иштирокида Б.Мамасолиевга 6.000.000 сўм

тақдим қилиниб, тадбир иштирокчилари билан туман марказидаги Марҳамат – Тошкент автотураргоҳи олдиға боришиб, Б.Мамасолиев С.Келдибоев кўришиб, унга 6.000.000 сўм пулларни берганидан кейин тадбир иштирокчилари томонидан ушланиб, сўнг С.Келдибоевнинг ташаббуси билан тезкор тадбир давом эттирилиб, С.Келдибоев кейинчалик таниган А.Аширалиевга Б.Мамасолиев берган пуллардан бир қисмини берганида ушланишганини, ҳолатлар бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилганини, судланувчиларга нисбатан ҳеч қандай ноқонуний ҳатти – ҳаракатлар ўтказилмаганини кўрсатди.

Гувоҳ И.Юлдашев ҳам судда сўралган гувоҳ А.Давлатов кўрсатувларига ўхшаш бир ҳилда кўрсатув берди.

Судланувчилар С.Келдибоев ва А.Аширалиевларнинг айблари булардан ташқари овоз ёзиш мосламасини бериш, пулларга кимёвий ишлов бериш, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомалари, суд – кимёвий экспертизаси хулосаси, фотожадвал, ашёвий далил ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланади.

Суд, тергов органи томонидан С.Келдибоев ва А.Аширалиевларнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган бир вазиятда, ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, судланувчилар С.Келдибоев ва А.Аширалиев 2021 йил 15 январь куни олдиндан тил бириктириб, Б.Мамасолиевни яшаш хонадони кадастр ҳужжатларини қилиб бериш эвазига 6.000.000 сўм пулларни олаётган вақтларида департамент ходимлари томонидан ушланиб, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноий ҳаракатларини охирига етказа олмаганлар.

Шу сабабли, судланувчилар С.Келдибоев ва А.Аширалиевларнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” бандидан 25,168-моддаси 2-қисмининг “б” бандига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Судланувчи С.Келдибоевга жазо тайинлашда айбига қисман бўлсада иқрорлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ва паст ниятларда

содир этгани ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Судланувчи С.Келдибоевга жазо тури ва миқдорини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ЖК 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчини айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, аёллиги, қарамоғида 2 нафар фарзандлари борлиги, оиласининг ягона боқувчиси экани, шахсини алоҳида эътиборга олиб, модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи тариқасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

Судланувчи А.Аширалиевга жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ва паст ниятларда содир этгани ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Судланувчи А.Ашуралевга жазо тури ва миқдорини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ЖК 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчини айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, аёллиги, қарамоғида 1 нафар фарзанди борлиги, оиласининг ягона боқувчиси экани, шахсини алоҳида эътиборга олиб, модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси тартибида жиноятлар мажмуи тариқасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

тадбир давомида фойдаланилган 6.000.000 сўм пулларни Департамент ихтиёрига олинганини эътиборга олишни;

ашёвий далил судланувчилар С.Келдибоев, А.Аширалиевнинг кийими ҳамда қўлларидан олинган наъмуналарни йўқ қилишни;

ашёвий далил жами 3 дона DVD+CD дисклар жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473 моддаларига асосан

ҳ у к м қ и л а д и:

Келдибоев Сардорбек Авазбек ўғли (Keldiboyev Sardorbek Avazbek o'g'li)нинг содир этган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” бандидан 25,168-моддаси 2-қисмининг “б” бандига қайта квалификация қилинсин.

С.Келдибоев Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 28,211-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

С.Келдибоевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ундириш белгиланган ҳолда 1 (бир) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

С.Келдибоевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил – кесил ўташ учун 2 (икки) йил 1 (бир) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

С.Келдибоевга жазони ўташ муддати давомида яшаш хонадони ҳисобланган Марҳамат тумани Қовунчи МФЙ Чорвоқ кўчаси 66-уйдан сутканинг кечки соат 22 дан эрталабки 6 га қадар чиқиши чеклансин, оммавий тадбирлар ўтказилишида иштирок этмаслик, кафе ва барлар (кўнгил очар жойлар)га бормаслик, маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча мажбурият юклатилсин.

С.Келдибоевга жазони ўташдан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликдан чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ижро этиш Марҳамат туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилиб, жазо ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

С.Келдибоевга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаровга қўйилган Дамас русумли 60 R 098 QA давлат белгили автомашина гаровга қўювчи А.Акбаровнинг зиммасида қолдирилгани инобатга олинсин.

Аширалиев Аслиддин Анваржон ўғли (Ashiraliyev Asliddin Anvarjon o'g'li)нинг содир этган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “б” бандидан 25,168-моддаси 2-қисмининг “б” бандига қайта квалификация қилинсин.

А.Аширалиев Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 28,211-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

А.Аширалиевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ундириш белгиланган ҳолда 1 (бир) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

А.Аширалиевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддасининг 1-қисми билан 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил – кесил ўташ учун 2 (икки) йил 1 (бир) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

А.Аширалиевга жазони ўташ муддати давомида яшаш хонадони ҳисобланган Марҳамат тумани Роҳат МФЙ Дўстлик кўчаси 85-уйдан сутканинг кечки соат 22 дан эрталабки 6 га қадар чиқиши чеклансин, оммавий тадбирлар ўтказилишида иштирок этмаслик, кафе ва барлар (кўнгил очар жойлар)га бормаслик, маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча мажбурият юклатилсин.

А.Аширалиевга жазони ўташдан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликдан чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ижро этиш Марҳамат туман ИИБ Пробаця гуруҳи зиммасига юклатилиб, жазо ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

А.Аширалиевга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаровга қўйилган Донг Фенг EQ русумли 60 М 564 НА давлат белгили автомашина гаровга қўювчи А.Курвонбоевнинг зиммасида қолдирилгани инобатга олинсин.

Тадбир давомида фойдаланилган 6.000.000 сўм пуллар Департамент ихтиёрига олингани эътиборга олинсин.

Ашөвий далил судланувчилар С.Келдибоев, А.Аширалиевнинг кийими ҳамда қўлларидан олинган наъмуналар йўқ қилинсин.

Ашөвий далил жами 3 дона DVD+CD дисклар жинойт иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, 20 сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жинойт ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

А.Исаков

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,
раислик қилувчи

А.Исаков